

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ИСАЕВ ФАХРИДДИН ИКРОМОВИЧ

СОЛИҚ ТАҲЛИЛИ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Огловления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Economical sciences**

Исаев Фахриддин Икромович

Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш..... 3

Исаев Фахриддин Икромович

Совершенствование методики налогового анализа..... 21

Isayev Fakhriddin Ikromovich

Improvement of tax analysis methodology..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ИСАЕВ ФАХРИДДИН ИКРОМОВИЧ

СОЛИҚ ТАҲЛИЛИ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/387 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Курбанов Зият Ниязович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Неъматулла Фатхуллаевич
Иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади.
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборт-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида солиқ таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми, муҳим элементларидан бири сифатида эътироф этилиб, ҳар бир давлатнинг макродаражадаги асосий кўрсаткичларини ҳисоблашда қўлланилиб келинмоқда. Солиқ таҳлили дунё мамлакатлари ва ҳудудлари бўйича микро, мезо, макродаражада амалга оширилиб, иқтисодиёт субъектларининг истеъмолчилар билан узвий алоқасида доимий равишда иштирок этувчи солиқларнинг ўрнига баҳо бериш, унинг оптимал миқдорини ўрнатиш каби масалаларда долзарб муаммолардан бўлиб келган. “Солиқ таҳлилинини алоҳида объектлар ва муносабатлар бўйича ўтказилиб борилиши уларнинг йиғилувчанлигини ошириш билан бирга, солиқдан қочишни олдини олиши ҳамда солиқ қарздорлигини камайишига сабаб бўлган”¹.

Сўнгги йилларда жаҳонда юзага келган иқтисодий инқирозлар, молиявий-бошқарув соҳасидаги муаммолар, молиявий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилиш ҳамда аналитик ахборот фойдаланувчиларининг турли хил манфаатларининг мавжудлиги солиқ таҳлиliga бўлган зуруратни оширмоқда. Солиқ таҳлили бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари турли даражада бўлиб, бунда АҚШ ва Ғарбий Европа олимлари кўпроқ унинг амалий аҳамиятига, МДҲ мамлакатларида эса илмий назарий жиҳатларига урғу берилмоқда. Аммо олиб борилаётган тадқиқот ишлари айрим солиқ турлари билан чегараланиб, соҳани комплекс равишда ўрганилмаганлиги, уларда муаммоларнинг очиш даражасининг маълум тармоқлар доирасида бажарилганлиги солиқ таҳлилинини ўрганишга бўлган заруратни ошириб бормоқда.

Республикамизда олиб борилаётган бюджет ва солиқ сиёсати соҳасидаги ислохотлар, энг аввало, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, субъектлар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда солиқ харажатларини оптималлаштиришга қаратилган. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”ни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”и давлат дастурида “солиқ ставкалари пасайтирилиши ёки айрим солиқлар бекор қилинишинини инобатга олган ҳолда бюджет барқарорлигини таъминлаш чоралари, ҚҚСни кенг жорий қилиниши билан истеъмол товарларининг нархи ўсишининг олдини олиш, давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш”² каби вазифалар белгилаб берилган.

¹Ms.Afee. Introduction to Economic analysis, <http://www.introceon.com>.6-195-199.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сонли “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган солиқлар йиғилувчанлиги даражасини ошириш, айрим солиқларни бекор қилиниши, умумбелгиланган солиқ тўловлари таркибининг кенгайтилиши, ҚҚС бўйича фаолият турларига қараб фарқланган ставкаларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришнинг маҳсулот таннархига таъсири нуқтаи назаридан солиқлар таҳлилини амалга ошириш заруратга айланди. Юқоридаги қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий таҳлил методологиясини такомиллаштиришнинг назарий-услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар М.И.Баканов, А.Д.Шеремет, Е.В.Егорова, Е.В.Чипуренко, А.М.Васильев, Е.С.Смирнов, И.А.Майбуров, шунингдек, республикамиз иқтисодчилари М.Қ.Пардаев, А.К.Ибрагимов, О.О.Олимжонов, А.А.Каримов, Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев, Ш.А.Тошматов, Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Хайдаров, К.Б.Уразов, Р.Д.Дўсмуратов, Ш.Тўраев, О.Т.Юлдашев ва бошқа олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов, З.Н.Қурбонов, Б.Р.Санакулова, К.Р.Ҳотамов, Н.Б.Ашурова, Ж.Ж.Урмонов, И.М.Ниязметовларнинг³ илмий

³М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. Теория экономического анализа, ИНФРА-М, 2011, ст. 13 с.367; Е.В.Егорова Налоговый анализ в организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., М.:2015 11 стр.; Е.В.Чипуренко Методология налогового анализаи оценки влияния системы налогообложения на деятельность коммерческих организаций, Автореферат д.э.н. Москва-2011, ст.21; А.М.Васильев Налоговый анализ в системепрогнозирования и планирования налогообложения на микроуровне. Автореферат к.э.н., Орел-2012. Ст. 13; Е.С.Смирнов Налоговый анализ финансовых результатов коммерческой организации. Автореферат дисс. к.э.н. Орел, 2013.10 с.; И.А.Майбуров Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М.:558 с. 2011; М.Қ.Пардаев ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси, Сано-стандарт, Т.: 2014. 336 бет; А.К.Ибрагимов, Н.К.Ризаев Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: “Молия”. 2008. –465 б; О.О. Олимжонов Адолатли солиқ-мамлакат таянчи. Солиқ тўловчи журнали, 2006. №6; А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов, А.З.Авлқулов Бухгалтерия ҳисоби. – Тошкент.: «Шарк», 2004. - 466 б.; Б.И.Исроилов “Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари”. Диссертация и.ф.д., Самарқанд-2006. 272 б.; Э.Ф.Гадоев ва б. Билвосита солиқлар: қўшилган

ишларида солиқ таҳлилининг назарий ва методологик асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилиб ўз аксини топган. Ушбу илмий ишларда солиқ таҳлили комплекс тарзда ўрганилмаган. Шу боис, солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни иқтисодий жиҳатдан юқори эканлиги, солиқлар бўйича тушумлар таркибидаги рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллаштириш, солиқ таҳлилининг натижалари асосида солиқлар бўйича харажатлар прогнозини илмий жиҳатдан асослаш ва солиқ юки кўрсаткичини оптималлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Солиқ таҳлилни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

солиқ таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми эканлигини асослаш;

солиқ турлари бўйича солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

солиқ таҳлили ҳисоб-ахборот таъминотини шакллантириш мақсадида молиявий ва солиқ ҳисоботи шакллари такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

солиқ харажатлари ҳисоб-ахборот таъминотидаги ноаниқликларни ўрганиш ва уни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қиймат солиғи, акциз солиғи. – Тошкент: «NORMA», 2011. – 327 б.; Ш.А.Тошматов Қўшилган қиймат солиғи. Монография. – Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2004. -160 б.; Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. -556 б.; К.Б.Уразов Иқтисодтётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари.Тошкент. Фан. 2005.; Р.Д.Дўсмуратов Аудит асослари. Дарслик. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003. - 412 б.; Ш.Тўраев «Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари». Дис.... автореф. и.ф.д. – Тошкент, БМА. 2007. 21 б.; О.Т.Юлдашев Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 бет; З.Н.Қурбанов «Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари». Дис....и.ф.д. - Тошкент.: БМА, 2008. 272 б.; Б.Р.Санақулова «Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш» Дис....и.ф.д. Тошкент 2016.-260 б.; К.Р.Ҳотамов “Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” диссертация и.ф.д., Т.: 2016 й.136 б; Н.Б.Ашурова Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. и.ф.д. (DS) Диссертацияси. Т: -2018 йил. 247 б.; Ж.Ж.Урмонов Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография/ Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2018 й. 240 б.; И.М.Ниязметов “Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт” Монография.-Тошкент: “Молия”, 2016. 192 б.

солиқ тизими ислохотларини хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатига таъсирини ўрганиш;

хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини ҳисоблаш методикасини такомиллаштирилган вариантларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва солиқ ҳисоботлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда солиқ таҳлилининг илмий, назарий ва амалий услублари ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диалектик ёндашув, тизимли таҳлил, синтез, рейтинг баҳолаш, статистика, математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича соддалаштирилган солиқ ҳисоботи шакли таклиф этилган;

юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклини қисқартириш таклиф этилган;

солиқ таҳлилинини ўтказишда муаммо бўлаётган айбдорлари аниқланмаган камомадларни чегирилмайдиган харажатларга киритиш таклиф этилган;

ягона солиқ тўловчи корхоналар маҳсулоти нархига таъсирни пасайтириш мақсадида соддалаштирилган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларда соф ва ялпи солиқ юкини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

солиқ таҳлили - иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми эканлиги асосланган ва унинг концепцияси шакллантирилган;

солиқ таҳлилининг ахборот таъминотини такомиллаштириш мақсадида молиявий ва солиқ ҳисоботи шаклларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

2-сонли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”га “Имтиёзлар суммаси” номли сатрни киритиш бўйича таклиф берилган;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби 1-иловасидаги 10-сатр ва 20-сатрларни қисқартириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди

ташкilotлар (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси) томонидан амалиётга жорий қилинган билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти солиқ таҳлиliga оид назарий-методологик махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқларни таҳлил қилиш, солиқ таҳлилини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклини такомиллашган, қисқартирилган варианты таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июлдаги 106, 2018-49-сонли “Солиқ ҳисоботининг шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорида ўз аксини топган. (Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 23 июлдаги 16/2-16442-сонли маълумотномаси). Натижада ҳисобот шаклини қисқартирилиши эвазига бухгалтернинг ушбу ҳисоботни тузишга сарфланган вақти тежалди, солиқ таҳлили ахборот таъминотини яхшилаш имкони яратилган;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи шаклини такомиллашган, қисқартирилган варианты таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июлдаги 106, 2018-49-сонли “Солиқ ҳисоботининг шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорида ўз аксини топган. (Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 23 июлдаги 16/2-16442-сонли маълумотномаси). Натижада ҳисобот шаклини қисқартирилиши эвазига солиқ таҳлили ахборот таъминоти такомиллаштирилган;

солиқ харажатлари ҳисоб-ахборот таъминотидаги ноаниқликларни бартараф қилиш мақсадида “Чегирилмайдиган харажатлар”га “айбдорлари аниқланмаган камомадлар” меъёрини киритиш таклифи 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўз аксини топган. (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 13 февралдаги 14-04416-сонли маълумотномаси). Таклиф натижасида Солиқ кодексининг 147-моддасига “айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомадлардан ёки зарур суммаларнинг ўрнини айбдор тараф ҳисобидан қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарларни киритиш” деб ўзгартиришлар киритилган;

солиқ даври мобайнида тушуми 1 миллиард сўмдан ошган тадбиркорлар соддалаштирилган солиқ тартибидан умумбелгиланган солиқ

тартибига ўтказилганда, улар учун қўшилган қиймат солиғини табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш таклифи 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўз аксини топган. (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 13 февралдаги 14-04416-сонли маълумотномаси). Таклиф натижасида Солиқ кодексининг 226-4-моддасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғининг фарқланган (пасайтирилган) ставкалари киритилган;

соф ва ялпи солиқ юкни ҳисоблашда маҳсулотни сотишдан соф тушум кўрсаткичига нисбатан аниқлаш усули “Kitob ip yigiruv” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Kitob ip yigiruv” АЖнинг 2018 йил 18 майдаги 2018/18-05-сонли маълумотномаси). Натижада хўжалик юритувчи субъект даражасида солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблашни осонлаштириши ва унинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини объектив баҳолаш имконини бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 9 та, шундан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 8 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Солиқ таҳлили – иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида”** деб номланган биринчи бобида солиқ таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми эканлиги асосланган, унинг концепцияси ишлаб чиқилган ҳамда боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни алоҳида таъкидлашимиз лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида “...фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак. 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутди. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин....Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир”⁴ деб таъкидлаганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Тадқиқот ишида иқтисодий таҳлил таркибий қисми бўйича ўрганишлар ўтказилиб, молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили ва солиқ таҳлили унинг таркибий қисмлари эканлиги асосланган (1-расм).



1-Расм. Иқтисодий таҳлил таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги⁵.

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона бюджет-солиқ сиёсати натижасида солиқ маъмурчилиги такомиллашиб, солиқ харажатлари

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Олий Мажлисга мурожаатномаси”. 2018 йил 28 декабрь. Халқ сўзи.

⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

оптималлашиб бориши билан бирга солиқ юки кўрсаткичи ҳам макро, ҳам микродаражада йилдан йилга пасайиб бораётганлиги илмий тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизнинг давлат бюджети даромад қисмининг шаклланишида асосий манба бўлиб, солиқлар бўйича тушумлар ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

2010–2019–йилларда Давлат бюджетининг даромад қисмини шаклланишида солиқ ва бошқа манбалар бўйича тушумлар, фоизда⁶.

Солиқ турлари	Йиллар									
	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил прогнози
Бевосита солиқлар	26,1	26,4	25,4	24,2	24	24,1	24	23,2	19,8	28,4
Билвосита солиқлар	50,4	48,2	48,9	51,1	54,2	52,6	51,5	52,6	52,2	45,8
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	15,4	15,4	15,7	14,8	13,9	13,2	12,9	13,9	16,0	16,5
Қўшимча фойда солиғи	0	0	0	0	0	0	0	2,8	1,9	0,1
Бошқа даромадлар	8,1	10	10	9,9	7,9	10,1	11,6	7,5	10,1	9,2
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2010 йилда давлат бюджети даромад қисмининг 91,9 фоизи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумлар ҳисобига шаклланган. Бу кўрсаткич 2016 йилда 88,4 фоизни, 2018 йилда 89,9 фоизни ташкил қилган. Бошқа манбалардан тушумлар улуши мос равишда 2010 йилда 8,1 фоиз, 2016 йилда 11,6 фоиз, 2018 йилда эса 10,1 фоиз бўлган.

Республикада давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантирувчи асосий манба солиқ тушумлари эканлигидан келиб чиқиб уни макродаражада таҳлил қилиш зарурияти мавжуд. Бир вақтнинг ўзида ушбу тўланаётган солиқлар солиқ тўловчилар учун солиқ юки сифатида тан олиними, хусусан, солиқ харажатлари ҳисобига уларнинг даромадлари камайишини инобатга оладиган бўлсак, албатта, солиқларнинг микродаражада, яъни хўжалик юритувчи субъект даражасида таҳлил қилиш заруриятга айланади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, солиқ таҳлили олимлар ва амалиётчилар томонидан бир томонлама, яъни давлат бюджети ёки хўжалик юритувчи субъект томонидан қаралиб, шу асосда солиқ таҳлиliga таърифлар шакллантирилган.

Бизнинг фикримизча, солиқ таҳлиliga ҳам макро, ҳам микродаражада эътибор берган ҳолда қуйидагича: “Солиқ таҳлили деганда - давлат бюджети даромад қисмини шакллантириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни режалаштириш, тушумларни прогноз қилишда қўлланиладиган усуллар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига солиқ

⁶www.mf.uz- Молия Вазирлиги сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

тўловлари таъсирини ҳисоблаш тушунилади” дея таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий таҳлил, шу жумладан, солиқ таҳлили натижаларининг самарадорлиги ҳисоб-ахборот таъминотининг тўлиқлиги билан белгиланади. Солиқ таҳлилининг ҳисоб-ахборот таъминоти қанчалик тўлиқ бўлса, таҳлил натижалари бўйича чиқарилган хулоса ҳам шунчалик аниқ ва самарага қаратилган бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ таҳлилининг асосий ҳисоб-ахборот таъминотини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари;
- солиқ ҳисоботлари;
- молиявий ҳисоботлар;
- солиқ текшируви ва аудити натижаларига оид ҳужжатлар;
- солиқ имтиёзлари қўлланилишига оид ахборотлар.

Диссертациянинг “**Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштириш йўллари**” деб номланган иккинчи бобида, фойда ва мол-мулк солиқлари ҳисоб-ахборот таъминоти таҳлил қилиниб, қўшилган қиймат солиғи таҳлилининг такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Республикада фойда солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли улушга эга бўлиши билан бирга, солиқ тўловчилар қўлами жиҳатдан мазкур солиқ таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган (2-жадвал).

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2013-2018 йилларда солиқ тушумлари, фойда солиғи бўйича тушум ва унинг улушининг ўзгариши, млрд. сўм⁷.

т/р	Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
1.	Солиқ тушумлари	26223,2	31070,5	36492,7	41030,7	49684,8	79 099,1
2.	Бевосита солиқлар	6353,7	7433	8798,4	9853,6	11538,9	15 656,2
3.	Фойда солиғи бўйича тушумлар	1038,8	1120,2	1180,5	1215,1	1475,5	3 502,2
4.	Шу жумладан: Савдо ва умумий оврақтланиш корхоналари учун ЯСТдан Давлат бюджетига ажратмалар	832,6	954,4	1207,8	1516,1	1707,6	2108,5
5.	ЯСТдан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирма ва кичик корхоналардан ажратмалар	755	967,9	1191,7	1440,8	1750,8	2597,9
6.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	2717,3	3261,7	3800,7	4137,4	4876,7	6422,7
7.	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	415,6	553,1	681,5	822,3	1042,9	1024,8
8.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфра тузилмани ривожлантириш солиғи	594,4	575,7	736,2	721,9	685,5	-
9.	Фойда солиғининг жами тушумлардаги улуши	3,96	3,61	3,23	2,96	2,96	4,43

⁷<https://www.mf.uz>- жадвал Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Солиқлар таҳлилини ўтказишда алоҳида солиқ турлари ва солиқ муносабатлари бўйича таҳлил ўтказиш ҳамда унинг натижаларига таянган ҳолда илмий ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиш лозимлиги келтирилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Давлат бюджетига солиқ тушумлари 2013 йилда 26223,2 млрд.сўмни, 2016 йилда 31070,5 млрд.сўмни, 2017 йилда 49684,8 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 79099,1 млрд.сўмни ташкил этди. Фойда солиғининг тушуми 2013 йилда 1038,8, 2014 йилда 1120,2, 2015 йилда 1180,5, 2016 йилда 1215,1 млрд.сўм ва 2017 йилда эса 1475,5 млрд.сўм бўлган бўлса, 2018 йилда 3502,2 млрд.сўм бўлган.

Фойда солиғининг ставкаси 1997 йилда 36,0 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилда 31,0 фоиз, 2005 йилда 15,0 фоиз, 2010 йилда 9,0 фоиз, 2015 ва ундан кейинги йилларда 7,5 фоиз бўлган бўлса, 2019 йил 1 январдан бошлаб фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Чунки шу кунга қадар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан қўшиб ҳисоблаганда бу миқдор -15,5 фоизни ташкил этган эди, энди эса ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бекор қилинган.

Иқтисодий адабиётларда фойда солиғи суммасига таъсир қилувчи бир қанча омиллар келтирилган бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида маҳсулотни сотишдан соф тушум, сотилган маҳсулотнинг таннарни, маҳсулотни сотишдан олинган молиявий натижа, солиққа тортилгунга қадар бўлган фойда ва фойда солиғининг ставкаси келтирилган.

Биз томонимиздан ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, фойда солиғи суммасига юқоридаги кўрсаткичлар билан бирга фойда солиғи бўйича имтиёзлар суммаси ҳам сезиларли таъсир қилар экан (3-жадвал).

3-жадвал.

“Oq saroy textile” МЧЖда 2015-2018 йилларда фойда солиғи билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили, (минг сўм).

т/р	Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1.	Маҳсулотни сотишдан соф тушум	31680652,1	43921105,9	73139904,7	108640655,9
2.	Маҳсулот сотишдан ялпи фойда	2206469	7192778,9	13676807,1	10845661,1
3.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	-136656,3	3835030,3	10707724	3601829
4.	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	73603,2	3294777,5	256714,2	365785,4
5.	Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда	73603,2	3294777,5	256714,2	365785,4
6.	Фойда солиғи суммаси	11667,6	252037,6	19.11.2008 йил Ф-4010-сон Фармойишига асосан фойда солиғи тўлашдан озод қилинган.	
7.	Соф фойда суммаси	56980,8	2799699,7	219441,9	365785,4

Фойда солиғи суммасига юқоридаги кўрсаткичларнинг таъсири умумий бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида “Фойда солиғи ҳисоб-китоби” солиқ ҳисоботи шакли маълумотлари асосида таҳлил ўтказиш лозим.

3-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, “Oq saroy textile” МЧЖда 2018 йилда 2015 йилга нисбатан маҳсулот сотишдан соф тушум 76960003,8 минг сўмга кўпайган. 2018 йилда фойда солиғининг базаси 365785,4 минг сўмни ташкил қилган. Бироқ ушбу корхонада фойда солиғи бўйича имтиёзга эга бўлган. Бунинг натижасида корхонанинг соф фойда суммаси олдинги йилга нисбатан (365785,4-56980,8) 308804 минг сўмга кўпайган.

Фойда солиғини таҳлил қилиш учун асосий ҳисоб-ахборот манбаларидан бири “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” ҳисобланиб, бундан хўжалик юритувчи субъект даромадлари ва харажатларини характерловчи асосий кўрсаткичлар, бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади.

Бугунги кунда фойда солиғи таҳлили учун солиқ имтиёзларига оид маълумотларни турли солиқ ҳисобот шаклларида ўрганилаётганлиги, маълумотлар бир ҳисобот шаклида тўлиқ эмаслиги, хўжалик юритувчи субъект солиқ имтиёзлари тўғрисидаги маълумотларни бир сатрда умумлаштириш имконият мавжуд эмас. Фойда солиғи бўйича имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлар фақатгина солиқ органларига тақдим этиладиган фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобда, бошқа солиқ турлари бўйича имтиёзлар ҳам шу солиқ тури бўйича солиқ ҳисоботида кўрсатилади. Аммо инвесторлар, банклар, умуман барча ташқи фойдаланувчилар учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот шаклида бу маълумот мавжуд эмас. Шу боис, солиқлар таҳлилининг ҳисоб-ахборот таъминотини тўлиқ шакллантириш мақсадида “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шакли “Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот” қисмига қўшимча равишда “Солиқлар бўйича имтиёзлар суммаси” номли сатрни киритиш таклиф қилинган.

Бизга маълумки, фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда чегирилмайдиган харажатлар мавжуд. Бу харажатлар, одатда, даромад олишга қаратилмаган ёки солиқ тўловчининг белгиланган меъёрдан юқори харажатлари ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларда инвентаризация натижасида камомадлар аниқланиб, айбдорлари аниқланмаган тақдирда корхона харажатларига олиб борилмоқда. Бу харажатлар “чегирилмайдиган харажатлар” таркибига йўқлиги сабабли фойда солиғига тортилиши масаласи очик қолиб, умумий ҳолатда чегириладиган харажатларга олиб борилмоқда. Солиқ харажатлари ҳисоб-ахборот таъминотидаги ноаниқликларни ўрганиш давомида айрим тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида таклиф ишлаб чиқилган. Яъни Солиқ кодексининг 147-моддаси “Чегирилмайдиган харажатлар”и таркибига “айбдорлари аниқланмаган камомадлар” бандини киритиб таҳрирлаш таклифи ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлардаги такрорланишларни бартараф этиш мақсадида

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби 1-иловасидаги 10 сатр (Бошланғич қиймати-Бухгалтерия балансининг 010-сатрида мавжуд) ва 20 сатрларни (Эскириш суммаси-Бухгалтерия балансининг 011-сатрида мавжуд) қисқартириш, шунингдек, бу ҳисобот шаклида горизонтал жойлашувчи 12 ойлик маълумотларни 12 сатрда акс эттирилишини, чораклик шаклда сатрларда қисқартириш таклифи берилган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бюджет даромадларининг 90 фоизидан ортиғини солиқлар ташкил этиши ҳамда унинг таркибида билвосита солиқларнинг улуши катталагини гувоҳи бўлишимиз мумкин (1-жадвал). Жумладан, билвосита солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғининг улуши эса йил сайин ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони доирасида кўплаб солиққа тортишга оид ўзгаришлар белгилаб берилдики, улардан бири 2019 йил 1 январдан бошлаб йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш. Шу билан бирга қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиши ҳам таъкидланди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар учун сезиларли таъсирга эга.

Қўшилган қиймат солиғини 2019 йил 1 январдан амалиётга киритиш бўйича режалаштирилаётган соддалаштирилган тартибдан умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчига ўтувчи корхоналар учун жорий этиш тартибига ўзгартириш киритиш таклифи ишлаб чиқилди. Хусусан, соддалаштирилган солиқ тўловчидан умумбелгиланган солиқ тўловчига ўтказишда қуйидаги табақалашган ставкаларни жорий этиш лозим:

1-йил ҚҚС ставкасини 5 фоиз;

2-йил ҚҚС ставкасини 8 фоиз;

3-йил ҚҚС ставкасини 10 фоиз;

4-йил ҚҚС ставкасини 12 фоиз;

5-йилдан ўрнатилган тартибдаги умумий ставкада белгилаш.


Бу эса қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтаётган ягона солиқ тўловчи корхоналар томонидан яратилаётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархини кескин ошиши ва бозорда нарх бўйича ҳосил бўладиган рақобатни олдини олиш ҳамда олиб борилаётган солиқ ислохотларининг корхоналар фаолиятига салбий таъсирини юмашатишга хизмат қилади.

Диссертациянинг “**Солиқ юки кўрсаткичи таҳлилини такомиллаштириш**” деб номланган учинчи бобида солиқ юки ва уни оптималлаштириш, солиқ юкини микродаражада ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган, солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичларига таъсири ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқмаъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида” ПФ-5116 сонли Фармонида мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилганлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Республикада солиқ юкининг оғирлиги йиллар давомида пасайиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2000-2018 йилларда солиқ юкининг ўзгариши⁸.

2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 2000 йил 37,4 фоиз, 2005 йилда 30,1 фоиз, 2010 йилда 21,9 фоиз, 2015-2016 йилларда солиқ юки 20 фоиз, 2017 йил 20,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 19,4 фоизни ташкил этган.

Иқтисодчиларнинг кўпгина тадқиқот ишлари солиқ юкини микродаражада таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, солиқ юкини ҳисоблашни турли усулларини таклиф қилишган. Улар томонидан микродаражада, яъни хўжалик юритувчи субъект даражасида, солиқ юкини ҳисоблашда ҳам қарашлар турлича бўлиб, турли кўрсаткичларга нисбатан аниқлаш услублари келтирилган.

Амалиётда солиқ юкини аниқлашда барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг йиғиндисини олиб, солиқ юки оғир бўлди дейишади. Хусусан, амалиётчи бухгалтерлар томонидан қилинган ҳисоб-китобларни кўриб чиққанимизда хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини ҳисоблашда корхонага юк бўлмайдиган солиқ турлари бўйича ҳисобланган суммалар, яъни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, акциз

⁸www.mf.uz- Молия Вазирлиги ва soliq.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

солиғи, кўшилган қиймат солиқлари бўйича суммаларни ҳам солиқ юки сифатида баҳолашади. Аслида эса харажатлар сифатида тан олинган суммалар олинishi зарур.

Бизнинг фикримизча, корхоналарда “солиқ юки” кўрсаткичини соф солиқ юки ва ялпи солиқ юки кўрсаткич билан ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Соф солиқ юки – бу солиқ тўловларини маҳсулот (ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир.

Соф солиқ юки қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$ССЮ = \frac{СХ \times 100}{СТ} \quad (1)$$

Бу ерда:

ССЮ- соф солиқ юки;

СХ-солиқ тўловлари (ҳисобланган солиқ суммаси);

СТ- маҳсулот (ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушум.

Ялпи солиқ юки – бу солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар суммасини маҳсулот (ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир.

Ялпи солиқ юки қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$ЯСЮ = \frac{(СХ + МТ) \times 100}{СТ} \quad (2)$$

Бу ерда:

ЯСЮ- ялпи солиқ юки;

МТ-мажбурий тўловларга ажратмалар суммаси;

СХ-солиқ тўловлари (ҳисобланган солиқ суммаси);

СТ- маҳсулот (ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушум.

Тадқиқотлар натижасида қилинган таҳлиллар шуни кўрсатмоқда, 2018 йилда “Kitob ip yigiruv” АЖнинг маҳсулотни сотишдан соф тушуми 14444632 минг сўм, ВF TEXTILE Produktion.unнинг соф тушуми 155794743 минг сўм, “Oq saroy textile” МЧЖ 108640655,9 минг сўмни ташкил қилган.

Шу даврда бу корхоналарнинг солиқ тўловлари бўйича харажатлари мос равишда 746364 минг сўм, 936895 минг сўм ва 348003,7 минг сўм бўлган. Бошқа мажбурий тўловлар бўйича ажратмалар “Kitob ip yigiruv” АЖ 309845 минг сўм, ВF TEXTILE Produktion.un 2428970 минг сўм ва “Oq saroy textile” МЧЖ 5388816,7 минг сўм бўлиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар мос равишда 1056209 минг сўм, 3365865 минг сўм ва 5736820,4 минг сўм бўлган.

4-жадвалга асосланган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, “Kitob ip yigiruv” АЖда соф солиқ юки 5,17 фоизни, ВF TEXTILE Produktion.унда 0,60 фоиз, “Oq saroy textile” МЧЖда эса 0,32 фоизни, ялпи солиқ юки мос

равишда 7,31 фоиз, 2,16 фоиз ва 5,28 фоизни ташкил қилган. Бу корхоналарда асосий солиқ юки давлат мақсадли жамғармалари ҳисобига тўғри келган.

4-жадвал.

2018 йилда “Kitob ip yigiruv” АЖ, BF TEXTILE Produktion.un ва “Oq saroy textile” МЧЖ корхоналарида соф ва ялпи солиқ юки кўрсаткичининг таҳлили, минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	“Kitob ip yigiruv” АЖ	BF TEXTILE Produktion.un	Oq saroy textile МЧЖ
1	Маҳсулот сотишдан соф тушум	14444632	155794743	108640655,9
2	Фойда солиғи			188084
3	Сув ресурслардан фойдаланилганлиги учун солиқ		51406	29128,9
4	Мол-мулк солиғи		494414	
5	Ер солиғи		340068	130790,8
6	Ягона солиқ тўлови	696369		
7	Бошқа солиқлар	49995	51007	
8	Солиқ тўловлари бўйича жами	746364	936895	348003,7
9	Соф солиқ юки	5.17	0.60	0.32
10	Йўл жамғармасига мажбурий ажратма		1356940	148000
11	Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма		141953	3383309,7
12	Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси		486020	52800
13	Ягона ижтимоий тўлов	303609	444057	1804707
14	Маҳаллий йиғимлар	6236		
15	Мажбурий тўловлар бўйича жами:	309845	2428970	5388816,7
16	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг жами	1056209	3365865	5736820,4
17	Ялпи солиқ юки	7.31	2.16	5.28

Биз томонимиздан таклиф этилган солиқ юкини ҳисоблаш методикаси асосида микродаража солиқлар таҳлили амалга оширилиши, субъектларда реал солиқ юки суммасини аниқлаш имкониятини бериш билан бирга, солиқ харажатлари таҳлилини ўтказишда аниқликни таъминлайди.

ХУЛОСА

Солиқ таҳлили методикасини такомиллаштиришни тадқиқ қилиш куйидаги **илмий хулосаларни** олиш имконини берди:

1. Солиқ таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

2. Солиқ таҳлилининг таърифи берилган: “Солиқ таҳлили деганда - давлат бюджети даромад қисмини шакллантириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни режалаштириш, тушумларни прогноз қилишда қўлланиладиган усуллар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига солиқ тўловлари таъсирини ҳисоблаш тушунилади”.

3. Фойда солиғи методикаси омилли таҳлилни қўллаш асосида такомиллашган. Фойда солиғи суммасига таъсир қилувчи бир қатор омиллар таъсири ўрганилган ҳамда фойда солиғи суммасига фойда солиғи бўйича имтиёзлар суммасининг таъсири ҳисобланган.

4. Фойда солиғи таҳлилининг ҳисоб-ахборот таъминотини яхшилаш мақсадида “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шаклининг “Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот” қисмига “Солиқлар бўйича имтиёзлар суммаси” номли сатрни киритиш таклифи берилган.

5. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби 1-илоvasидаги 10-сатр ва 20-сатрларни қисқартириш орқали такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида ҳисобот шакли ортиқча маълумотлардан ҳоли бўлади, ҳисоботни тузишга сарфланадиган вақт тежаллади.

6. Фойда солиғи ҳисоб-китобидаги ноаниқликларни бартараф қилиш мақсадида Солиқ кодексининг 147-моддаси “Чегирилмайдиган харажатлар” таркибига айбдорлари аниқланмаган камомадларни киритиш таклифи берилган.

7. Солиқ даври мобайнида йиллик обороти 1 миллиард сўмдан ошган корхоналарни соддалаштирилган солиқ тартибидан умумбелгиланган солиқ тартибига ўтказилганда, улар учун қўшилган қиймат солиғини табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган.

8. Солиқ юкини ҳисоблашда маҳсулотни сотишдан соф тушум кўрсаткичига нисбатан аниқлаш мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланган. Бу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки даражасини аниқлаш, хўжалик юритувчи субъект соф тушумининг қанча фоизи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар сифатида харажатларга олиб борилиши аниқ кўрсатиб берилган.

Илмий иш асосида қилинган хулосалар ва таклиф-тавсияларни амалиётга жорий қилиниши солиқ тушумларини прогнозлаштиришни объективлигини ва солиқ таҳлили методикасини такомиллаштиришни таъминлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.17.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

**БАНКОВСКО-ФИНАНСОВАЯ АКАДЕМИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИСАЕВ ФАХРИДДИН ИКРОМОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ НАЛОГОВОГО АНАЛИЗА

08.00.08 – Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров РУз. за № В2017.3.PhD/387.

Диссертация выполнена в Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на трех языках (узб., рус., англ. (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Курбанов Зият Ниязович,
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Пардаев Мамаюнус Каршибоевич
доктор экономических наук, профессор
Каримов Неъматулла Фатхуллаевич
доктор экономических наук,

Ведущая организация: Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc. 27.06.2017.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте. Адрес.: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, д. 60А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрирована за №___) Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.
(Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 г.).

И.Н.Кузиев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор экономических наук, доцент

С.У.Меҳмонов

Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор экономических наук,
профессор

Ж.И.Каримкулов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, кандидат экономических наук, доцент

Ведение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Анализ налогов, в мировой практике признанный в качестве одного из основных структурных элементов экономического анализа, используется при учете основных показателей макроуровня каждого государства. “Анализ налогов, осуществляемый в разрезе стран и регионов мира на микро, мезо и макроуровне, является основной проблемой в вопросах оценки роли налогов в непрерывной связи субъектов экономики с потребителями, установления его оптимального количества. Проведение анализа налогов по отдельным объектам и отношениям, помимо сбора налогов, способствует предотвращению неуплаты, а также уменьшению налоговых задолженностей”.⁹

В последние годы экономические кризисы, проблемы в финансовой и управленческой среде, анализ использования финансовых ресурсов и тот факт, что пользователи аналитической информации получают различные выгоды, вызывают необходимость проведения налогового анализа. Исследования, проводимые в сфере налогового анализа находятся на разных уровнях, при этом американские и западноевропейские ученые делают упор на практической значимости, в то время как в российские ученые подчеркивают научные теоретические аспекты. Тем не менее, тот факт, что проводимые исследования ограничены определенными типами налогов и не носят всесторонний характер, раскрытие проблем в определенных сферах становится все более необходимым условием для изучения налогового анализа.

Реформы, проводимые в Республике в сфере бюджетной и налоговой политики, наряду с задачами улучшения предпринимательской среды, повышения инвестиционной привлекательности, обеспечения стабильности экономического роста, формирования здоровой конкуренции среди субъектов и оптимизация налоговых расходов. Государственная программа «Год активных инвестиций и социального развития» «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» определяет такие задачи, обеспечение стабильности бюджета с учетом снижения налоговых ставок или отмены определенных налогов, предотвращение роста цен на потребительские товары посредством широкого внедрения НДС, внедрение международных стандартов по составлению финансовой отчетности и проведению аудита на государственных предприятиях¹⁰.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит обеспечению исполнения задач, определенных в Указах и Постановлениях

⁹Ms.Afee. Introduction to Economic analysis, <http://www.introceon.com>.6-195-199.

¹⁰Указе Президента Республики Узбекистан от 17 января 2019 года № УП-5635 О Государственной программе по реализации «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах» в «Год активных инвестиций и социального развития»

Президента Республики Узбекистан, таких как: УП-5116 от 18 июля 2017 г. «О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей», Р-5214 от 13 февраля 2018 г. «Об организационных мерах по кардинальному совершенствованию налогового законодательства», УП-5468 от 29 июня 2018 г. «О концепции совершенствования налоговой политики Республики Узбекистан», ПП-4086 от 26 декабря 2018 г. «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2019 год и бюджетных ориентиров на 2020-2021 годы» и других нормативно-правовых документах, в частности, повышению уровня налоговых поступлений, отмене некоторых налогов, расширению состава общеустановленных налоговых платежей, определению различных ставок НДС по видам деятельности, необходимости проведения налогового анализа с точки зрения влияния на себестоимость произведенной продукции. Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, определенных выше.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Некоторые теоретические и методологические вопросы совершенствования методологии экономического анализа рассмотрены такими зарубежными учеными-экономистами, как М.И.Баканов, А.Д.Шермет, Е.В.Егорова, Е.В.Чипуренко, А.М.Васильев, Е.С.Смирнов, И.А.Майбууров, а также отечественными учеными, такими как М.К.Пардаев, А.К.Ибрагимов, О.О.Олимжонов, А.А.Каримов, Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев, Ш.Тошматов, О.Т.Юлдашев, в научных и учебно-методических работах которых отразились данные вопросы. В научных работах М.К.Пардаева, Б.И.Исроилова, З.Н.Курбанова, Б.Р.Санакуловой, К.Р.Хотамова, Н.Б.Ашуровой, Ж.Ж.Урмонова, И.М.Ниязметова¹¹ были

